Xushxabar

# ФИЛЬМЛАРИМИЗ ЕВРОПАНИ ЗАБТ ЭТДИ

Мустақиллик бизга бошқа соҳаларнинг ривожи билан бир қаторда сара санъат асарларимиз орқали жаҳон миқёсига чиқишимизга ҳам имкон бермоқда. Бинобарин, яқинда Лондондаги Марказий «Керзон-Сохо» кинотеатрида катта муваффақият билан ўтган Ўзбекистон фильмлари фестивали фикримиз далилидир. Буюк Британиянинг «Лондон Интернешнл Девелонмент Корпорейшн ЛТД» (LIDS Media) компанияси ташаббуси билан Ўзбекистон Республикасининг Буюк Британиядаги элчихонаси ва «Ўзбеккино» давлат ҳиссадорлик компанияси ҳамкорлигида ўтказилган ушбу санъат анжуманида 1947 йилдан 1998 йилга қадар тасвирга туширилган «Алишер Навоий», «Нафосат», «Севишганлар», «Еттинчи ўқ» ва «Воиз» фильмлари намойиш этилди.

Ўзбек фильмларини инглиз мутахассислари ва мухлисларининг баҳолашига келсак, кинотасмаларимиз бутун Лондон аҳлини лолу ҳайрон қолдирди, десак муболаға қилмаган бўламиз. 1947 йилда ишланган «Алишер Навоий» тарихий фильми ва ёш режиссёр Юсуф Розиқовнинг «Воиз» ижтимоий-этнографик фильмлари киношунослар томонидан жуда яхши баҳоланди, эътиборга тушди.

Лондоннинг замонавий «Керзон-Сохо» кинотеатрида мухлисларга ўзбек ширинликларидан татиб кўриб, бир пиёла кўк чой ичишга шарт-шароитлар туғдирилгани, машҳур сураткаш Макс Пенсон ишларидан ташкил топган кўргазманинг фаолият кўрсатиши ҳам ҳақиқий шарқона манзаралар юзага келиб, англияликлар Ўзбекистоннинг бутун гўзалликлари, миллий руҳини ҳис этишларига ёрдам берди.

Шуниси эътиборга лойиқки, ҳатто Лондонда ўзбек фильмлари фестивали билан бир вақтда бошланган 43-халқаро Лондон кинофестивали ҳам Англиянинг етакчи киношунослари ва томошабинлари томонидан бунчалик яхши кутиб олинмади.

— Лондонда бўлган 8 кун ичида Лондон кинофестивалининг 40 та фильмини кўрдим, бироқ холисона айтганда, мен томоша қилган ўзбек кинолари улар орасидан энг қизиқарли ва яхшилари бўлиб қолди, - деди Филадельфиядаги Жаҳон киноси фестивалининг арт директори муҳтарама Филис Кауфман. Ўзбек киноси фестивали тўғрисидаги мақолалар «Сандэй Телеграф», «Таймс», «Ивнинг Стандарт», «Тайм Аут» каби матбуот органларида нашр этилди. Буюк Британиядаги ўзбек фильмлари фестивали англияликлар ҳаётида ниҳоятда ўзига хос воқеа ҳисоблангани учун икки кун давом этган анжуман пайтида кинотеатрнинг катта зали барча мухлисларни ўз бағрига сиғдира олмади.

- Ушбу фестиваль биз учун ҳам катта мактаб вазифасини ўтади, - деди биз билан суҳбатда «Ўзбеккино» давлат ҳиссадорлик компаниясининг раиси Темурмалик Юнусов. - Зеро, фестиваль кунлари киношунос мутахассисларимиз Англиядаги замонавий кино техникалари, павильонлар билан танишишди, ўзаро тажриба алмашишди. Айниқса, Оксфорд ва Кембриж каби жаҳонга машҳур университетларда таълим олаётган ўзбекистонлик ёшларнинг ўз тенгдошларини ўзбек киноси билан таништириши нур устига нур бўлди.

Дарҳақиқат, LIDS (Media) компанияси саъй-ҳаракатлари билан ўзбек киноси Ғарбда ҳам ўз мухлисларига эга бўлиши, кинотасмаларимиз муносиб баҳоланиши имкониятини қўлга киритдик. Энг муҳими, келгусида ҳам ушбу компания «Ўзбеккино» давлат ҳиссадорлик компанияси ва «Ўзбекфильм» киностудияси билан Ўзбекистон киносини ривожлантириш ва унинг халқаро маркетинги юзасидан ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш ниятида.

**Дилшод ИСРОИЛОВ**



*Табиат бағрида*

Taraddud

# ИМКОНИЯТИМИЗГА ИШОНАМИЗ

*Каратэ бўйича миллий терма жамоамиз олдида иккита масъулиятли мусобақа турибди. 28 ноябрда Сингапурда ўтказиладиган Осиё чемпионати ҳамда декабрь ойининг бошида Венгрияда бўладиган ўсмирлар ўртасидаги Жаҳон Кубоги баҳсларидир. Мазкур мусобақалар олдидан «Туркистон-пресс» мухбири Ўзбекистон каратэ миллий федерацияси президенти, 6-ДАН қора белбоғ соҳиби Нурхон Нафасов билан суҳбатда бўлди.*

**- Ўзбекистон каратэ федерациясининг нафақат Марказий Осиёда, балки Осиё давлатлари орасида ҳам мавқеи ва нуфузи ортиб бораётганини конгрессда сизнинг нутқингиз учун алоҳида вақт ажратилганидан кўриш мумкин, шундай эмасми?**

- Ҳа, тўғри айтдингиз, Осиё федерацияси Конгрессига аъзо давлатлар озчиликни ташкил қилади. Шулар орасида Ўзбекистонимизнинг ҳам ўз овози борлиги бизни қувонтиради. Спортчиларимизнинг кейинги йилларда халқаро мусобақаларда эришаётган юқори натижалар сабаби, юртимизнинг қулай жўғрофик ўрни, иқлим шароити, энг асосийси, давлатимиз раҳбарияти томонидан спорт соҳасига катта эътибор берилаётганидир. Бу каби имкониятлар кўпчилик Осиё мамлакатларида йўқ. Шунинг учун Осиё каратэ федерацияси бизга алоҳида ҳурмат ва қизиқиш билан қарамоқда. Ушбу имкониятлардан келиб чиқиб, конгрессдаги таклифларим орасида 2001 йилги Осиё биринчилигини юртимизда ўтказиш таклифини ҳам киритганмиз.

**- Осиё чемпионатида қайси давлат вакиллари терма жамоамиз спортчиларига асосий рақиб ҳисобланади?**

- Ҳар қандай мусобақада спортчилар фақат ғалаба учун курашади. Ушбу беллашувларда ҳам барча жамоалар осонликча ён бермаслиги аниқ, лекин улар орасида Япония, Малайзия ҳамда қувайтлик курашчилар кучли рақиб ҳисобланади.

**- Шогирдларингиз имкониятини қандай баҳолайсиз?**

- Мазкур чемпионатда ёшларимизни синаш, уларнинг тажрибалари ўсишига имконият яратиб беришни мақсад қилганмиз. Умуман олганда, спортчига «сен бу ўринни оласан» деган мажбуриятнинг юкланишини ножоиз деб биламан. Мақсадимиз натижалар ортидан қувиш эмас, ҳар бир вакилимиз ўз имкониятидан келиб чиқиб, юртимиз байроғини юқори кўтаришга ҳаракат қилса, кўнгилдагидек иш бўларди.

**- Венгрияда бўладиган Жаҳон Кубоги учун баҳсларда юртдошларимиз қандай таркиб билан қатнашмоқчи?**

- Жаҳон Кубоги баҳслари каратэ клубларининг 18 ёшгача бўлган ўсмирлари ўртасида ўтказилиб, унда Европа ва Америкадаги сингари Ўзбекистон терма жамоаси вакилларидан ташқари республикамизда мавжуд барча клубларнинг умидли ёшларининг қатнашишларига ҳам имкон беряпмиз. Бундан кўзланган мақсад, уларнинг имконият даражаларини баҳслар давомида кузатиб синаб кўришдан иборатдир.

**Каратэ федерациясидан олинган маълумотга кўра, Ўзбекистон терма жамоаси 1998 йил Венгрияда болалар ва ўсмирлар ўртасида ўтказилган Жаҳон Кубоги баҳсида бешта олтин, иккита кумуш, иккита бронза медалларни ҳамда Жаҳон Кубогини қўлга киритган.**

**Ўктам ХОЛИҚОВ, «Туркистон-пресс»**

Xullas...

## БИР ЙЎЛА УЧ ЭГИЗАК

Нижний Новгород шаҳридаги боғча тарбиячиси бир йўла уч эгизак кўрди. Антон, Артём ва Никиталар 15 дақиқадаёқ туғилишди. Энг кичигининг оғирлиги икки килою 50 грамм.

Отанинг оғзи қулоғида. Ахир, бир вақтнинг ўзида уч фарзандлик бўлиш камдан-кам отага насиб қилади. Аммо шуниси ҳам борки, чақалоқлар билан энди бир хоналик уйда яшаш анча қийин. Эр-хотин шу пайтга довур ота-оналарининг бир хоналик уйида яшашарди.

Эгизаклар туғилганидан хабар топган шаҳар мэри Юрий Лебедев улар ҳақида ғамхўрлик кўрсатишга фармон берди: яъни бу оилага икки ёки уч хоналик квартира ажратиладиган бўлди.

Бундай ҳодиса шаҳарда кейинги беш йил мобайнида учрамаган эди.

## ОТНИНГ ҚАШҚАСИДЕК ТАНИШ

Эстониянинг Тарту шаҳридаги хонадонлардан бирида ўғрилик содир этган кимса ўзини-ўзи тутиб беришга имкон яратди. Уз мақсадини амалга ошириб бўлгач, чарчаган ўғри шкаф ичида мудраб қолди. У хонадон соҳибаси етиб келиб, полиция маҳкамасига хабар берганини ҳам сезмади...

Полиция ходимлари етиб келганида маълум бўлдики, ўғри 10 та хонадонни талон-торож қилган ва ҳар бир айби учун қанча йилдандир «ўтириб» чиққан шахс экан. Ўша куни у иккита уйни «ишғол» этган, буниси учинчиси эди. Шу боис чарчаган бўлса керак-да...

Қисқаси,унинг жами ўғриликлари 13 рақамига келиб (ҳозирча) тўхтади.

## 54 ЙИЛДАН КЕЙИН

83 ёшдаги қария нимадан хурсанд бўлиши мумкин? Невaралик бўлиш, фарзандларининг у-бу ютуғи... Лекин Киров вилоятининг Омутнинск туманида яшовчи отахонни шошириб қўйган хабар мутлақо бошқача.

Узоқ Шарқнинг 333-ўқчи полкида хизмат қилиб, душман билан олишувда ўзини кўрсатган Павел Салниковни «II даражали Шуҳрат» ордени билан мукофотлаш тўғрисидаги буйруқ 1945 йил 14 октябрда чиққан. Орден ўз эгасини 54 йил сарсон-саргардон бўлиб «излади» ва ниҳоят «топди»...

Павел ота буни кутмаганидан йиғлаб юборди.

## ЖАРИМАДАН ТАЪСИРЛИРОҚ

Челябинск шаҳар йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимлари тартиб бузувчилардан бир нечтасини тутиб олиб, автобус паркига олиб келишди. У ерга ўрнатилган телевизор экранида транспорт ҳодисалари, масалан, пиёдаларнинг югуриб ўтиши тақиқланган жойларда фалокат келиб чиқишига доир эпизодлар намойиш қилинди. Қичқириқлар, кўз ёшлари, қон оқиши ва оҳ-воҳлар... Буларнинг барчасига йўл ҳаракати қоидаларини билмаган ёки била туриб амал қилмаган пиёдалар сабабчи.

Қисқа метражли телефильм йўловчиларда жаримага нисбатан кучли таассурот қолдирди. «Жарима тўламасангиз ҳам майли, фақат ана шундай ҳодисаларнинг «қаҳрамони» бўлманг» дейишди ДАН ходимлари уларга.

ana shunaqa gaplar...

Sport maydonchasi

## ИККИНЧИ УЧРАШУВ ҲАМ 6:0

XXI Осиё чемпионати саралаш турнирининг 3-гуруҳида қатнашаётган миллий терма жамоамиз Шри-Ланка клубини худди илк ўйиндагидек 6:0 ҳисобида енгди. Умидли футболчиларимиз Ж.Ирисметов ва Н.Ширшовлар учрашувда иккитадан тўп муаллифи бўлдилар.

## НАМАНГАНДАН ХУШХАБАР

Ўзбекистон боксининг тамал тошини қўйган мураббийлардан бири С.Л.Жаксон хотирасига бағишлаб ўтказилаётган анъанавий халқаро турнирнинг дастлабки натижаларига кўра уч вакилимиз номига ғалаба ёзилди. Наманганда ташкил этилган мусобақаларда Россия, Қирғизистон республикалари вакиллари ҳам иштирок этмоқда.

## «KOREA OPEN»дан БРОНЗА

Сеулда дзюдо бўйича «Korea open» халқаро турнири ниҳояланди. 40 давлатдан 150 нафар спортчи иштирок этган кескин беллашувларда гарчи тўрт кишилик вакилларимиз кураш олиб борган бўлса-да, фақат А.Мухторовга бронза медали насиб этди.

## ЧЕМПИОНАТ ҚЎҚОНДА БЎЛАДИ

3-5 декабрь кунлари Қўқон шаҳрида спортнинг қўл жанги бўйича Ўзбекистон чемпионати баҳслари бўлиб ўтади. Унда республикамизнинг барча вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Тошкент шаҳридан келган спортчи ўсмир ва ёшлар иштирок этадилар.

## ЛЮИСга ОЛТИН КАМАР

бериладиган бўлди. Оғир вазнли боксчилар ўртасида мутлақо жаҳон чемпиони 300 минг доллар (АҚШ) миқдоридаги тўловни амалга оширмаганлиги учун Халқаро бокс федерацияси Олтин камарни эгасига топширганича йўқ эди. Ваҳоланки, Люис ғалабаси ортидан 15 миллион долларга эга бўлган эди.

## QUTLOV



**Муҳтарам Набижон Эрматов!**

*Сизни таваллуд топган кунингиз ва 50 ёшга тўлишингиз муносабати билан чин дилдан қутлаймиз. Сиз маданий-маърифий ишлар амалиётчиси, ташаббускор, тажрибали раҳбарлардан бири сифатида катта ҳурмат қозонгансиз.*

*Сизга, оила аъзоларингизга узоқ умр, мустаҳкам соғлиқ, омад, ишларингизда самара, янги ютуқлар тилакдошимиз.*

**Тошкент Давлат маданият техникуми жамоаси**

## ТАНЛОВ ЯКУНЛАНДИ

Маълумингизки, бу йил юртимизда «Аёллар йили» деб эълон қилинган. Мақсад: аёлларимизнинг жамиятдаги ўрни, мавқеини янада кўтариш, уларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоялашни кучайтиришдан иборат. Бу борада қилинган ва қилинаётган ишлар ҳамманинг наздида яққол намоён.

Шу йилнинг баҳорида «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари «УзБАТ» — Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси ҳомийлигида «Мустақил Ўзбекистон аёли» деб номланган публицистик асарлар танловини эълон қилган эди.

Куни кеча Миллий матбуот марказида ана шу танлов якуни ва ғолибларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Маросимда таъкидланишича, танловда 30 дан ортиқ муаллифлар қатнашган. Ҳайъат аъзолари уларнинг энг сараларини танлаб олишга ҳаракат қилишган.

**МУХБИРИМИЗ**

«Quvnoq startlar»

# ЭПЧИЛЛИК ҚЎЛ КЕЛДИ

*Ўтган ҳафтада XVII республика «Қувноқ стартлар» телемусобақаси биринчи давра саралаш учрашувлари бошланганидан газетхонларимиз хабардор. Куни кеча навбатдаги беллашувда Жиззах вилояти Дўстлик туманидаги 4-ўрта мактабнинг «Орзу» ва Наманган вилояти Учқўрғон туманидаги 1-ўрта мактабнинг «Умид» командаси майдонга тушди.*

*Мусобақанинг биринчи дастури - «Катта эстафета»дан ўнинчи беллашув - «Сардорлар баҳси»гача командалар ғалабага эришиш учун астойдил ҳаракат қилишди. Биринчи беллашувда ҳам, «Чаққонлигингни кўрсат» деб номланган иккинчи мусобақада ҳам «Умид» командаси вакиллари ғолиб чиқиб, 6 очко соҳиби бўлишди. «Орзу» командаси эса 2 очко тўплади. Дастурнинг учинчи мусобақаси («Эпчил болалар») дуранг - 1:1 натижа билан якунланди. «Акробатчи болалар ва қизлар» баҳсида «Умид» командаси яна 3 очкони қўлга киритиб, умумий очколарини 10 тага етказди.*

*«Орзу» командаси раҳбарлари болаларни дадил ҳаракатга даъват этишди ва навбатдаги беллашувда («Картошка экиш ва йиғиш») ғалабага эришишди. «Футболчилар баҳси»да яна «Умид» командаси қўли баланд келди. 10 ўғил ва 10 қиз иштирокидаги қизиқарли мусобақада учқўрғонлик қизлар футбол тўпини моҳирона олиб юриш ва дарвозага аниқ тепишда ўғил болалардан кам эмасликларини кўрсатишди.*

*«Баскетболчилар баҳси», «Абжир акробатчилар» мусобақаларида «Орзу» командаси ғалабага эришди.*

*«Мерганлар баҳси»да командаларга 1 тадан очко берилди. Сардорлар учрашувида «Умид» 2:1 ҳисобида ғалабага эришди.*

*Ҳар иккала команда аъзолари ғалаба иштиёқида ҳаракат қилишди. Лекин маҳорат жиҳатидан анча устунликни намойиш этган Учқўрғон туманининг «Умид»чилари 19:16 ҳисобида ғалаба қозониб, иккинчи давра мусобақасида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.*

*XVII республика «Қувноқ стартлар» телемусобақасида командалар ўйинларини баҳолашда 10 очколик тизимдан воз кечилганлиги ва ғалаба учун 3 очко, мағлубият учун 1 очко берилаётгани, назаримизда, айни муддао бўлган.*

*Тўрт босқичда ўтказилиши Низомда белгиланган «Қувноқ стартлар» мусобақаларидан мақсад спортни кенг оммалаштириш. Лекин айрим жойларда бу масалага жиддий эътибор берилмаётгани сир эмас. Яқинда Халқ таълими вазирлиги жисмоний тарбия ва спорт бўлими бошлиғи Зайниддин Икромовнинг «Спорт» газетаси мухбири билан суҳбатида бу борада зарур тадбирлар белгиланаётгани айтилган.*

*XVII республика «Қувноқ стартлар» телемусобақасининг иккита саралаш учрашувини кузатиб, ҳакамлар ҳайъатининг командалар чиқишларини холисона баҳолашга ҳаракат қилаётганликлари гувоҳи бўлдик. Янги Низомга мувофиқ ўйин қоидалари бузилишига чек қўйиш мақсадида жарима белгилашнинг жиддий чоралари кўрилса, учрашувлар янада чиройли ва завқли ўтган бўларди.*

**Ғ.МАННОПОВ**

Эрве НЕГР

# «УНДА МЕН ҚАЁҚДАН БИЛАЙ»

*(Ҳажвия)*

**Икки юзи қип-қизил олмани эслатувчи, келишган Жон югурганча келиб деди:**

**- Ада, эртага ота-оналар мажлиси экан!**

**- Яна қанақа мажлис! - сўради ота, лекин у бу сўроғига жавоб олиб улгурмади, чунки ўғли ўзига ўхшаган ишёқмас, дангаса ўртоқлари билан футбол ўйнагани ҳовлига чиқиб кетишга улгурган эди.**

**- Бормасангиз бўлмайди, менимча, бу ўқитувчиси ҳаддан ташқари ўғлимизга ёпишиб олганга ўхшайди, -деди Жоннинг онаси.**

**Эртасига кеч соат олтида Жон ва унинг отаси мактабга кириб келишди.**

**- Салом, жаноб Рене, - илтифот қилди ўқитувчи. У ўрта ёшлардаги, қурумсоқ эркак эди. - Мен сизни ўғлингиз тўғрисида гаплашиш учун чақиртирдим. Жоннинг ўқиши жуда ёмон. Аммо бу ҳаммаси эмас. Бундан ташқари у ғирром ҳам. Тарих фанидан бўлган охирги контрол ишини ёнидаги боладан кўчириб олган.**

**- Бўлиши мумкин эмас, - деди ўзини йўқотиб қўйган жаноб Рене.**

**- Аммо бу факт, ўзингиз бунга амин бўлишингиз мумкин. Мана, ўша иккита контрол иши. Қаранг, биринчи саволдаги бир хил жавобларга: «Наполеондан сўнг тахтга ким ўтирган?». «Людовик XVIII».**

**- Ахир, жаноб ўқитувчи, бу ҳали менинг ўғлим кўчириб ёзганини исбот қилмайди-ку! Жавоб тўғри, шунинг учун иккаласи ҳам бир хил жавоб ёзишган, бунинг ажабланарли жойи йўқ.**

**- Тўғри, тўғри, бироқ иккинчи саволга қаранг: «Наполеон қаерга сургун қилинган?». Иккала контрол ишда ҳам бир хил жавоб. «Ива оролларига».**

**- Ҳм... ҳа, - чўзди жаноб Рене. - Нотўғри, албатта... Лекин, болалар тасодифан бир хил хатоликка йўл қўйган бўлишлари мумкин-ку, тўғрими?**

**- Албатта, бўлиши мумкин, аммо учинчи савол ҳам бор-да: «Наполеон қачон ўлган?». Ўғлингизнинг партадоши «билмайман» деб жавоб ёзган. Энди ўғлингизнинг жавобини ўқинг: «Унда мен қаёқдан билай...».**

**Русчадан Насриддин БОТИР таржимаси**

Тошкент Давлат шарқшунослик институти раҳбарияти ва касаба уюшмаси қўмитаси институтнинг ўқув бўлими бошлиғи Г.Ф.Колесниковага отаси

**БЕЛИКОВ Фёдор Степанович**

вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент Давлат университети ректорати ва касаба уюшма қўмитаси, механика-математика факультети жамоаси Эҳтимоллар назарияси ва математик статистика кафедраси мудири, Ўзбекистон Фанлар академияси мухбир аъзоси, профессор Турсун Азларовга турмуш ўртоғи

**Муножот АЗЛАРОВА**

вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети маъмурияти, касаба уюшмаси ва мусиқа педагогика жамоаси, мусиқа педагогикаси ва методика кафедраси ўқитувчиси Г.Шариповага отаси

**Матбулол ШАРИПОВ**

вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир
Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (масъул котиб), Шукур ЖОНБОЕВ, Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Нўъмонжон РАҲИМЖОНОВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Йўлдош САИДЖОНОВ, Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Рақам ва далиллар ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга жавоб қайтарилмайди. «Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси,32. ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—136-56-42, хатлар ва оммавий ишлар бўлими—136-55-58.

Газетани IBM компьютерида Малоҳат ТОШОВА саҳифалади. Навбатчилар: Дилбар ХЎЖАЕВА, Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
ИНДЕКС: 149, 150. Г-0922. Тиражи 23.625.
Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2.

«Шарқ» нашриёт матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти -20.00.
Топширилди — 20.00.